МУЗЕЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи

Илмий ходими: **Раҳимова Мунира**

Аннотация.

Ушбу мақолада антик даврда коллекционерлик ва музей фаолиятининг вужудга келиши, шаклланиши ва тараққиёт босқичлари комплекс тарзда таҳлил этилган. Инсониятнинг ноёб, эстетик ва тарихий аҳамиятга эга буюмларни тўплашга бўлган эҳтиёжи қадимги даврдан бошлангани, дастлаб мазкур жараён диний эътиқодлар, эҳсонлар ва муқаддас буюмларни сақлаш анъаналари билан узвий боғлиқ бўлгани ёритилган. Қадимги Юнонистонда «мусейон» тушунчасининг пайдо бўлиши ва унинг диний маскан сифатидаги вазифасидан илм-фан, фалсафа, адабиёт ва санъат марказигача бўлган эволюцияси тадқиқ этилган. Мақолада Афина Акрополидаги пинакотека, юнон ибодатхоналарида сақланган эҳсонлар ва уларни ҳисобга олиш, рўйхатга киритиш ҳамда асраш амалиёти музей фаолиятининг дастлабки элементлари сифатида таҳлил қилинади. Эллинизм даврида коллекционерликнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, ҳукмдор сулолаларнинг маданий бойликларни тўплаш ва сақлашдаги роли алоҳида ёритилган. Хусусан, Птолемейлар сулоласи томонидан Александрияда ташкил этилган Мусейон ва кутубхона, Атталидлар сулоласи ҳомийлигидаги Пергам маданий маркази ҳамда уларда китоблар, қўлёзмалар, ҳайкаллар ва тасвирий санъат асарларининг жамланиши мисолида коллекционерликнинг илмий ва маданий функциялари очиб берилган. Шунингдек, мақолада қадимги Римда юнон маданияти ва санъатининг таъсири натижасида коллекционерликнинг янги босқичга кўтарилиши, ҳарбий юришлар орқали санъат асарларининг Римга олиб келиниши, уларнинг саройлар, ибодатхоналар, форумлар ва махсус биноларда сақланиши масалалари таҳлил қилинган. Хусусий коллекцияларнинг шаклланиши, санъат асарларига бўлган талабнинг ортиши ва санъат бозорининг пайдо бўлиши Римда

музей фаолиятининг айрим институционал белгилари шаклланганини кўрсатувчи жараён сифатида баҳоланган. Тадқиқот натижасида антик даврда коллекционерлик фақат буюмларни тўплаш билан чекланмагани, балки уларни саралаш, ҳисобга олиш, сақлаш, илмий ўрганиш, нусхалаш ва жамоатчиликка намойиш этиш каби жараёнларни ҳам қамраб олгани асосланади. Шу нуқтаи назардан, қадимги Юнонистон, эллинистик давлатлар ва Римда шаклланган маданий тўпламлар замонавий музейларнинг асосий функциялари — коллекциялаш, сақлаш, тадқиқ этиш ва экспозиция ташкил этиш жараёнларининг тарихий илдизларини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Инсоният пайдо бўлганидан буён ҳиссий ва эстетик аҳамиятга эга, ноёб ҳамда тарихий қимматли буюмларни йиғишга бўлган қизиқиш мавжуд бўлган. Коллекция йиғиш феноменидан антик даврда ҳам кенг фойдаланилган. Қадимги даврда шаклланган коллекциялар кейинчалик музейлар учун муҳим манба вазифасини ўтаган. Қадимги Юнонистонда «музей» тушунчаси инсониятнинг маданий фаолиятига кириб келган. «Мусейон» (Museyon) — музаларга бағишланган жой ёки эҳсонгоҳ маъносини англатган. Дастлаб мусейонларнинг вазифаси диний маросимлар ва ибодатлар билан боғлиқ бўлган бўлса, кейинчалик уларнинг фаолияти кенгайиб, илм-фан, фалсафа, адабиёт ва санъат билан боғлиқ масканларга айланган. Афина Акрополида машҳур пинакотеканинг ташкил этилиши ҳам қадимги Юнонистонда санъат асарларини сақлаш ва намойиш этиш маданияти шаклланганидан далолат беради. Эллинизм даврида коллекция йиғиш ва коллекционерлик янада ривожланган. Шарқий Ўрта ер денгизи ҳудудларида эллинизация жараёнининг кучайиши натижасида юнон маданияти кенг тарқалди. Мисрдаги Александрия Мусейони ва унга қарашли кутубхона антик давр илм-фани ва маданиятининг йирик марказларидан бирига айланди. Антик дунёда эллин подшоҳлари дастлабки йирик коллекционерлар сифатида намоён бўлдилар.

Қадимги Римда хусусий ва оммавий тўпламлар кенг тарқалди. Римликларнинг ҳарбий юришлари даврида турли маданий ёдгорликлар, санъат асарлари ва ноёб буюмлар йиғилиб, Римга олиб келинган. Рим коллекционерларининг шахсий

тўпламлари аста-секин бойиб борди. Хусусий коллекционерликнинг ривожланиши натижасида ноёб санъат асарлари бозори ҳам шаклланди ва унинг фаолияти кенгайди.

Рим ибодатхоналари бой санъат асарлари, ноёб буюмлар ва реликивиялар билан тўлдирилган. Милодий I асрда Римда Тинчлик форуми (Forum Pacis) ва Веспасиан форумида йирик бадиий тўпламлар шаклланган. Октавия портигидаги тўпламлар ҳам Римдаги машҳур бадиий коллекциялардан бири ҳисобланган. Бу тўпламлар нафақат санъат асарларини сақлаш, балки уларни оммага намойиш этиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Қадимги Римда музей фаолиятининг айрим элементлари ҳам пайдо бўла бошлаган. Ибодатхоналар, оммавий бинолар ва уларда сақланадиган қимматли предметлар давлат томонидан назорат қилинган. Бу эса маданий бойликларни асраш ва улардан жамоат манфаатлари йўлида фойдаланишнинг дастлабки шаклларидан бири эди. Антик давр жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўрин тутади. Европа маданияти тарихи ҳамда жамият тараққиётини илм-фан, адабиёт ва санъатнинг турли соҳалари ривожини антик даврсиз тасаввур этиб бўлмайди. Юнон ва лотин тиллари асосида шаклланган кўплаб илмий ва сиёсий терминлар ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган. «Демократия», «республика», «фуқаро» каби муҳим тушунчаларнинг шаклланиши ҳам антик давр билан бевосита боғлиқ. Юқорида айтиб ўтилганидек, «мусейон» атамасини биринчи бўлиб қадимги юнонлар қўллаган ва дастлабки мусейонлар ҳам Юнонистон ҳудудида пайдо бўлган. Қадимги Юнонистонда «мусейон» атамаси билан музалар шаънига бағишланган ва улар эъзозланадиган масканлар аталган. Бу масканлар, одатда, табиатнинг гўзал ҳудудларида, боғ-роғлар ичида қурилган. Мусейонларнинг асосий вазифаси инсонларнинг ибодат ва диний маросимларни амалга ошириши учун шароит яратишдан иборат бўлган. Юнон panteoни таркибига тўққизта муза кирган. Мусейонларда фалсафага ҳам катта аҳамият берилган. Эрамиздан аввалги IV асрда ташкил этилган айрим фалсафий мактаблар ва илмий тўгараклар ҳам мусейон деб аталган. Мусейонларнинг кейинги ривожланишида дин ва илм-фаннинг ўзаро уйғунлашганини кўриш мумкин. Мусейон диний атама

бўлишига қарамасдан, айни вақтда илм-фан, адабиёт ва санъат намояндалари тўпланадиган маскан сифатида ҳам хизмат қилган. Ноёб буюмлар ва санъат асарларини йиғиш, сақлаш ва намойиш этишга бўлган қизиқиш ҳам қадимги антик Юнонистонда шакллана бошлаган. Бу жараён кейинчалик коллекционерлик ва музей фаолиятининг ривожланиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Диний урф-одатларга кўра, муваффақиятли жанглардан кейин ёки байрамларда баъзан одамлар ўз хоҳиш-истаклари билан бут ва санамларга совға-саломлар олиб келишган. Ушбу совға-саломлар вақт ўтиши билан кўпайиб, бадиий тўпламларга айланган ва мусейонларнинг асосий коллекцияларини ташкил этган. Бундай совғалар кўпинча санъат асарлари, яъни ҳайкаллар, суратлар, ноёб буюмлар, олтин-кумуш безаклар, олтиндан ишланган рўзғор буюмлари ва амалий санъат намуналаридан иборат бўлган.Бу нодир буюмлар ибодатхона коҳинларининг назорати остида бўлган. Коҳинлар нафақат уларни асраш, балки ҳисоб-китоб қилиш ва рўйхатга олиш ишларини ҳам амалга оширганлар. Улар ҳар бир экспонатнинг ташқи кўриниши, қандай материалдан ишланганлиги, оғирлиги ва бошқа хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумотлардан иборат рўйхат тузганлар .Мусейонда сақланаётган буюмларни йўқотиш ёки яроқсиз ҳолатга келтиришга асло йўл қўйилмаган. Зеро, маъбудларга қилинган эҳсонлар қиймати жиҳатидан бебаҳо ҳисобланган ва диний тасаввурларга кўра, мазкур буюмларга ҳам муқаддас мақом берилган. Фақат зарур ҳоллардагина уларнинг ўрни ёки жойи алмаштириб турилган. Бадиий аҳамиятга эга бўлмаган предметлар эса махсус ертўлаларда сақланган. Эллинизм даврига келиб, санъат асарларини коллекция қилиш индивидуал ва мақсадли тус олди. Илк коллекционерлар сифатида, одатда, эллинизм монархлари мисол қилиб келтирилади. Ушбу даврда қадимий китобларни коллекция қилиш ҳам жуда қадрланган. Илк коллекционерлар қадимий ва ноёб китобларни тўплаш учун ўз бойликларини аямаганлар.

Мисрда ҳукмронлик қилган эллинизм вакиллари Птолемейлар сулоласига мансуб бўлган. Милоддан аввалги III–II асрларда Александриядаги Мусейон ва унга қарашли кутубхона антик дунёнинг энг йирик илмий-маданий марказларидан бирига

айланган. Александрия кутубхонаси фондида жуда катта миқдорда папирус қўлёзмалари сақланган. Миср ҳукмдорлари кутубхона фондини кўпайтиришга алоҳида эътибор берганлар. Александрия портига келган айрим кемалардаги китоблар ва ёзма манбалар кўриб чиқилган ҳамда улардан нусхалар олиниб, кутубхона фонди бойитилгани ҳақида қадимги манбаларда маълумотлар учрайди. Кўп ҳолларда кемалардан олинган китоб ва ҳужжатлардан нусхалар кўчирилиб, нусхалари эгаларга қайтарилган, асл нусхалар эса кутубхона фондида сақланган.

Птолемейлар сулоласи вакиллари қадимги юнон адабиёти намуналарига ҳам катта қизиқиш билдирганлар. Улар Афина ва бошқа маданий марказларда Эсхил, Софокл, Еврипид каби машҳур драматургларнинг асарларини, жумладан, қўлёзмаларини қўлга киритишга интилганлар. Қадимий қўлёзмаларни тўплашга бўлган бундай қизиқиш Александрия кутубхонасининг бойишига ва антик давр илмий-адабий меросининг сақланиб қолишига муҳим таъсир кўрсатган. Атталидлар сулоласига мансуб Пергам подшоҳлари ҳам китобларга катта қизиқиш билдирган, иштиёқли библиофиллар бўлишган. Уларнинг кутубхона фондида 200 мингдан ортиқ китоб мавжуд бўлгани ҳақида маълумотлар келтирилади. Улар Птолемейлардан фарқли равишда, китоблардан ташқари, турли ҳайкаллар ва тасвирий санъат асарларини ҳам ўз коллекциялари таркибига киритганлар. Улар ҳақиқий санъат асарлари учун катта маблағ сарфлашга тайёр бўлган санъат ихлосмандлари сифатида намоён бўлганлар. Рим томонидан милоддан аввалги 146 йилда Юнонистоннинг Коринф шаҳри босиб олиниши натижасида ўлжа сифатида олиб келинган санъат асарлари савдоси вақтида Аттал II рассом Аристидаснинг «Дионис» картинаси учун 600 минг динар тўлашни таклиф қилгани тарихий солномаларда қайд этилган. Рим қўшини қўмондони Лутсий Муммий Аттал II томонидан картина учун таклиф этилган бу улкан маблағни шубҳали деб ҳисоблаган. У картинада ўзи тушунмайдиган қандайдир сир бор, деган тахминга келиб, уни сотиш фикридан қайтган. Аттал IIнинг кўндиришга бўлган уринишларига қарамасдан, картинани Серера ибодатхонасига тортиқ қилган.

Атталидлар сулоласи вакиллари ўз маданий бойликлари учун махсус бино қурмаганлар. Йиллар давомида йиғилган турли ҳайкаллар ва тасвирий санъат асарлари саройда, жамоат жойларида ҳамда ибодатхоналарда сақланган. Ҳайкаллар коллекциясининг бир қисми кутубхонада сақланганлиги археологик қазишмалар давомида аниқланган. Хусусан, Гомер, Сапфо, Алкей ва Геродот асарларига оид маълумотлар кутубхона биноси жойлашган ҳудуддан топилган.

Қазишма ишлари давомида кутубхона биносидан унча узоқ бўлмаган ҳудудда Афина маъбудасининг турли образларда яратилган ҳайкаллар коллекцияси ҳам топилган .Қадимги қўлёзмаларда сақланган маълумотларни ўрганган археолог олимлар Пергамда тўпланган Атталидлар сулоласи коллекциясида Кефисодот, Праксител, Мирон ва бошқа классик давр усталарининг асарлари ўрин олганлигини аниқлаганлар. Шунингдек, Пергам ҳукмдорлари юнон санъати энди шаклланаётган архаика даврида яратилган санъат асарларини йиғишга ҳам алоҳида қизиқиш билдирганлар. Тарихий қўлёзмаларда ёзилишича, Аттал II саройи ҳовлисида Афина Акрополидаги машҳур ҳайкалларнинг намуналари сақланган. Шунингдек, милоддан аввалги VI асрда Бупал томонидан яратилган Хариталар ҳайкаллари ҳам намойиш этилган. Пергам коллекциясининг энг ноёб экспонатларидан бири милоддан аввалги V асрнинг биринчи чорагида Эгина оролидаги ҳайкалтарош Онáта томонидан яратилган Аполлоннинг мис ҳайкали ҳисобланган. Тарихчи Павсанийнинг маълумотларига кўра, Аполлон ҳайкали ўзининг маҳобати билан санъат асарлари орасида энг буюк хазиналардан бири сифатида қадрланган.

Шу шаҳарда афиналик рассом Апполодор томонидан милоддан аввалги V асрнинг сўнгги чорагида яратилган «Чақмоқдан енгилган Аякс» картинаси ҳам сақланган. Бу ҳолат Аттал II ва унинг сулоласи вакиллари томонидан санъат асарларини тўплашга катта эътибор берилганидан далолат беради. Рассом Апполодор антик дунё тасвирий санъати тарихида муҳим ўрин тутган ижодкорлардан бири ҳисобланади. У тасвирий санъатда нур ва соя муносабатларини бўёқлар воситасида ифодалашга катта эътибор берган рассом сифатида тилга олинади. Атталидлар сулоласи коллекциясининг ранг-баранглиги уларнинг нафақат

шахсий хоҳиш-истакларини, балки юнон санъатининг турли намуналарини йиғишга бўлган интилишларини ҳам кўрсатади. Агар бирор санъат асарининг асл нусхасини қўлга киритиш имкони бўлмаган бўлса, улар ҳеч бўлмаганда унинг нусхасини кўчиртириб, ўз коллекцияларига қўшишга ҳаракат қилганлар. Бунга француз археологлари томонидан Дельфада олиб борилган қазишмалар давомида аниқланган маълумотлар мисол бўла олади. Унга кўра, Аттал II милоддан аввалги 141–140 йилларда уч нафар рассомни Полигнот томонидан Гомер асарларига ишланган тасвирларни кўчириш учун ёллаган ва уларнинг иш жараёнини шахсан назорат қилган. Птолемейлар ва Атталидлар сулоласи вакиллари ўз коллекцияларини бойитиш борасида ўзаро рақобат қилганлар. Айрим тарихчиларнинг фикрича, Птолемейлар коллекцияси коллекционерликнинг тор маъносидагина эмас, балки бутун эллинистик оламда маданий устунликка эришишга бўлган интилиш натижасида ҳам шаклланган. Александрияда маданиятнинг юксалишида икки асосий муассаса — Мусейон ва кутубхона муҳим ўрин тутган. Бу муассасаларда юнон кўчманчиларининг ўз юрти тарихи, маданияти ва санъатининг аҳамиятини сақлаб қолиш мақсадида улкан тадқиқот ишлари олиб борилган. Александрия Мусейони юнон мусейонлари тартибида ташкил этилган бўлиб, Александр Македонскийнинг устози Аристотель тажрибаси ва тавсиялари асосида вужудга келган. Қадимги юнон маданияти билан алоқаларни Атталидлар ҳам мустаҳкам сақлаб қолганлар. Пергамда юнон услубидаги Мусейон ва кутубхона ташкил этилган бўлса-да, ўзининг маҳобати ва аҳамияти жиҳатидан Птолемейлар томонидан ташкил этилган маданият марказларидан устун бўлмаган.

Эллинизм даврида коллекционерлик фаолияти давлат сиёсати даражасига кўтарилган ва бу турдаги фаолият билан асосан ҳукмдор оила вакиллари шуғулланганлар. Ҳали бу даврда шахсий коллекционерлик кенг ривожланмаган бўлса-да, айнан шу даврда қўшни Римда шахсий коллекционерликнинг дастлабки куртаклари пайдо бўла бошлаган эди.

Эллин давлатлари билан бир қаторда Рим давлати ҳам ўз салоҳиятини кучайтириб борди. Милоддан аввалги III асрда Рим маданий ва иқтисодий жиҳатдан

бой бўлган юнон шаҳарлари, Жанубий Италия ҳамда Сицилиядаги шаҳар-давлатларни бирин-кетин босиб ола бошлади. Милоддан аввалги II асрга келиб, Македония, Болқон ярим ороли мамлакатлари ҳамда Пергам подшолиги Рим ҳукмронлиги остига ўтди. Милоддан аввалги 30 йилга келиб эса Рим қўшинлари сўнгги эллинистик давлатлардан бири ҳисобланган Мисрга ҳам кириб бордилар.

Машҳур Рим шоири Горацийнинг «Асирга олинган Юнонистон ғолиб Римни ўзига мафтун этди» деган машҳур сатрларида ифодаланган ҳақиқат шунда эдики, Рим ҳукмдорлари маданият ва санъатнинг аҳамиятини Юнонистонни босиб олгандан ҳамда унинг бой маданий мероси билан танишгандан сўнг янада чуқурроқ англай бошладилар. Римликлар ўзлари хоҳлаб-хоҳламай, буюк Эллада маданияти таъсирига тушдилар. Адабиёт, санъат, илм-фан ва таълим соҳаларида Юнонистондан ўрнак олдилар. Аста-секин тасвирий санъат асарлари, ҳайкаллар, вазалар ва бошқа санъат намуналарининг нафақат амалий аҳамияти, балки бадиий қийматга ҳам эга эканлиги римликлар онгига сингиб борди. Римликларнинг илк йирик ўлжаларидан бири бўлган Тарент шаҳри талонганида, рим аскарлари тилла ва бошқа қимматбаҳо металлардан ясалган тақинчоқлар, пул ҳамда уй ҳайвонлари билан бир қаторда, турли санъат асарларини ҳам олиб кетдилар.

Ушбу ўлжалар орасида санъат асарларининг Рим зодагонлари учун алоҳида қадрли эканлигини кўрган ҳарбий саркардалар кейинги ҳарбий юришлар даврида аскарларга, аввало, санъат асарларини излаш, уларга зарар етказмаслик ва Римга олиб келишни буюра бошладилар. Бу жараён Римда санъат асарларини тўплаш ва коллекционерлик маданиятининг шаклланишига муҳим туртки берди.

Рим тарихчиси Тит Ливийнинг ёзишича, милоддан аввалги 212 йилда Сиракуза шаҳрига бостириб кирган Рим қўшини саркардаси Марк Клавдий Марцелл санъат асарларига бой Сиракуза шаҳри кўчаларини безаб турган оддий ҳайкалларни ҳам ўлжа сифатида олиб кетган. Натижада шаҳар «яланғоч одам қиёфасига кириб қолган». Милоддан аввалги II–I асрлар давомида юнон санъати намуналари тўхтовсиз Рим томон оқиб келишда давом этди. Римликлар мазкур санъат асарлари билан ўз саройлари, уйлари, ибодатхоналари ва форумларини безатдилар. Фақат

милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмига келибгина, йиғилган коллекцияларни сақлаш учун махсус бинолар қурила бошланди. Айнан шундай биноларнинг дастлабкиларидан бири Рим армияси қўмондони Квинт Цецилий Метелл томонидан Македонияни босиб олиши шарафига милоддан аввалги 148 йилда қурилган. Мазкур бинода Метеллнинг ҳарбий юришлари давомида қўлга киритилган санъат асарлари, турли китоблар ва ҳайкаллар сақланган. Улар орасида ҳайкалтарош Лисипп томонидан яратилган 26 та бронза ҳайкалдан иборат мажмуа ҳам бўлган. Ушбу асарлар Александр Македонскийнинг милоддан аввалги 334 йилда Граник дарёси бўйида Доро III устидан қозонган ғалабасига бағишланган эди. Ҳарбий юришлар давомида йиғилган санъат асарларининг аксарият қисми амалдорлар, зодагонлар ва ҳарбийларнинг саройлари ҳамда уйларидан ўрин олган. Бу ҳолат шахсий коллекционерликнинг дастлабки кўринишлари сифатида баҳоланади. Римликларнинг мазкур фаолияти қадимдан «сеҳрли диёр» сифатида тасвирланган Юнонистон маданиятининг Рим маданиятига улкан таъсир кўрсатишига олиб келди. Шу билан бирга, бу жараён инсонларнинг дунёқараши, санъат ва маданиятга бўлган муносабатини ҳам сезиларли даражада ўзгартирди.

Юнон маданиятининг таъсири айрим Рим уламолари ва анъана тарафдорларининг қаршилигига ҳам учради. Улар юнон маданиятининг кенг тарқалиши натижасида қадимдан сақланиб келаётган Рим анъаналари бузилаётганидан хавотир билдирганлар.

Римда санъат асарларидан давлатни улуғлаш воситаси сифатида ҳам фойдаланилган. Яратилган асарлар асосан ҳукмдорларни шарафлаш, уларнинг ҳарбий ютуқларини кўз-кўз қилиш ва ҳарбий-ватанпарварлик ғояларини халқ онгига сингдириш мақсадларига хизмат қилган. Ҳарбий юришлар натижасида олиб келинган санъат асарлари ҳам кенг жамоатчиликка намойиш этилган. Бу жараён урушдаги ғалабаларнинг тантанаси сифатида қабул қилиниб, аҳолида ватанпарварлик туйғусининг кучайишига хизмат қилган.

Дастлаб оддий халқ санъат асарларини шахсий мулк сифатида қўлга киритишга унчалик қизиқиш билдирмаган. Бунга мазкур асарларнинг бошқа дин ва бошқа

маъбудларни мадҳ этувчи буюмлар сифатида қабул қилингани сабаб бўлган. Бироқ милоддан аввалги I асрга келиб, коллекционерлар сафига жамиятнинг турли қатламларига мансуб кишилар ҳам қўшила бошладилар.

Бу даврнинг йирик коллекционерларидан бири Корнелий Сулла бўлган. У Эллада бўйлаб сафар қилиб, турли санъат асарларини йиғишга катта қизиқиш билдирган. Олимпия ҳудудларини пиёда кезиб, йўлида учраган санъат асарлари ва қимматбаҳо буюмларни қўлга киритишга ҳаракат қилган. Айрим ҳолларда у оддий юнон деҳқонларини турли ваъдалар билан ишонтириб, баъзан эса айёрлик ва тадбиркорлик орқали санъат асарларига эга бўлган. Унинг издошларидан бири Марк Скавр бўлиб, милоддан аввалги 59 йилда Пелопоннесдаги (ҳозирги Сикион) шаҳарлардан бири билан боғлиқ воқеада Рим давлати хазинаси учун ўлпон ўрнига шаҳардаги барча санъат асарларини йиғиб топшириш шартларини қўйган. Пелопоннес аҳолиси ноилож ушбу шартга кўниб, шаҳардаги санъат асарларини унинг ихтиёрига топширган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Murray, O. **The Cultural and Political Context of the Hellenistic World.** — Cambridge: Cambridge University Press, 2000.
2. Casson, L. **Libraries in the Ancient World.** — New Haven: Yale University Press, 2001.
3. Beard, M., North, J., Price, S. **Religions of Rome. Volume 1: A History.** — Cambridge: Cambridge University Press, 1998.
4. Arhiv uz